

ISSN: 2181-1040  
DOI: 10.26739/2181-1040  
tadqiqot.uz/renaissance



# JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL  
ASIAN RENAISSANCE**



**VOLUME 5 |  
ISSUE 1**

**2024**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE  
VOLUME 5, ISSUE 1



# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

## Бош муҳаррир:

### МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## Бош муҳаррир ўринбосари:

### ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

## Бош муҳаррир ўринбосари:

### ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

### МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,  
профессор (Ўзбекистон)

### ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

### МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

### АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

### ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

### ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

### ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Анджон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

### САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

### ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

### РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## Главный редактор:

**МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА**

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## Заместитель главного редактора:

**ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА**

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент  
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

## Заместитель главного редактора:

**ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ**

доктор философских наук (PhD), Национальный  
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ**

Ректор Национального университета Узбекистана,  
профессор (Узбекистан)

**ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ**

Академия наук Узбекистана,  
академик Академии художеств Узбекистана,  
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

**МАРИАННА КАМП РУТЦ**

профессор Центра Евроазиатских исследований  
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

**ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ**

профессор Узбекского государственного университета  
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

**МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА**

руководитель Научного центра «Философия» при  
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ**

проректор по научным исследованиям и инновациям  
Международной исламской академии Узбекистана,  
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

**КЛЭР РООСИЕН**

PhD доктор кафедры  
Славянских языков и литературы  
Йельского университета (США)

**АНТонио АЛОНСО МАРКОС**

профессор Университета  
CEU имени Сан Пабло (Испания)

**ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА**

проректор по международным связям  
Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,  
профессор (Узбекистан)

**КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ**

профессор Университета Хофстра,  
доктор исторических наук (США)

**ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ**

профессор кафедры религиоведения и культурологии  
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,  
доктор философских наук (Казахстан)

**ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА**

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского  
государственного университета, кандидат  
философских наук, профессор. (Узбекистан)

**МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ**

профессор Наманганского инженерно-технологического  
института, доктор философских наук (Узбекистан)

**САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА**

Навоийского государственного педагогического института,  
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

**ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ**

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)  
по педагогическим наукам (Узбекистан)

**ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ**

доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

**ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА**

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана  
имени Мирзо Улугбека, доктор философии  
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

**МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ**

и.о. доцент Наманганского государственного университета,  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам  
(Узбекистан)

**ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ**

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо  
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)  
(Узбекистан)

**РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ**

докторант кафедры Философии и логики Национального  
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## Chief Editor:

**MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA**

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor  
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## Deputy Chief Editor:

**YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA**

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,  
Associate Professor of the University of Public Security  
of the Republic of Uzbekistan

## Deputy Chief Editor:

**KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH**

Doctor of Philosophy (PhD), National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

**MADJIDOV INOM URUSHEVICH**

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

**KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH**

Academy of Sciences of Uzbekistan,  
Academician of the Academy of  
Arts of Uzbekistan, Doctor of  
Art History, Professor (Uzbekistan)

**MARIANNE KAMP RUTZ**

Professor of the Center for Eurasian Studies  
at Indiana University, Doctor of History (USA)

**DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH**

Professor of the Uzbekistan State  
University of World Languages,  
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

**MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA**

Head of the Scientific Center "Philosophy"  
at the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of  
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

**ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH**

Vice-Rector for Research and Innovation of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

**CLAIRE ROOSIEN**

Department of Slavic Languages and Literature  
of the Yale University, PhD (USA)

**ANTONIO ALONSO MARCOS**

Professor of the University of CEU  
named after San Pablo (Spain)

**SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA**

Vice-Rector for International Affairs of the National  
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

**KARIMOV ELYOR ERIKOVICH**

Professor of the Hofstra University,  
Doctor of Historical Sciences (USA)

**GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH**

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,  
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

**YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA**

the head of the "Philosophy" department of Andijan  
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

**MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH**

Professor of the Namangan Institute of Engineering  
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

**SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA**

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor  
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

**INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

**TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,  
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

**JURAEVA NIGORA AVAZOVNA**

Associate Professor of the National University  
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

**MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH**

Acting Associate Professor of  
Namangan State University, Doctor of Philosophy  
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

**SHUKUROV AKMAL SHAROFOVICH**

The National University of Uzbekistan named  
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

**RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI**

doctoral student of the National University of Uzbekistan  
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF [WWW.TADQIQOT.UZ](http://WWW.TADQIQOT.UZ)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.


Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна</b> ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
<b>2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна</b> ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
<b>3. Отаматов Музаффар Абдурашидович</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
<b>4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna</b> THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
<b>5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich</b> SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
<b>6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли</b> ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
<b>7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович</b> ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
<b>8. Djurayeva Nigora Avazovna</b> SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
<b>9. Тошов Хуршид Илхомович</b> ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
<b>10. Шамсутдинова Нигина Каримовна</b> СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
<b>11. Zhang Lei</b> SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
<b>12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли</b> ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
<b>13. Гулямов Хуршид Жамшетович</b> РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
<b>14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли</b> МУҲИЙДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ****ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ  
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE****Отаматов Музаффар Абдурашидович**Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик  
билим юрти илмий ишлар ва инновацион  
фаолиятни ташкил этиш бўлими бошлиғи  
Email: muzaffarotamatov@gmail.com**ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР  
ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170479>**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва Тожикистондаги диний конфессиялар фаолияти, диний бағрикенглик масалаларида мамлакат раҳбарияти позициялари ва қонунчиликдаги асослар қисман ёритилган. Шунингдек, фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги учун яратилган шароитнинг асосий белгиси бўлмиш диний конфессиялар сони ва уларнинг мамлакат ҳудуди бўйлаб жойлашуви таҳлил қилинган. Булардан ташқари, барча динлар учун тенг шароитлар яратилган бўлса-да, диний тузилмалар динамикасидаги тенденция катта ҳажмдаги аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб ислом конфессияларини кўп эканлиги ва бу ҳолат келгусида янада ошиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрганиб чиқилган.

**Калит сўзлар:** конфессия, давлат, дин, диний бағрикенглик, ислом, эътиқод, тарих, Ўзбекистон, Тожикистон.

**Отаматов Музаффар Абдурашидович**Начальник отдела организации научной работы  
и инновационной деятельности

Чирчиқского высшего танкового командного инженерного училища

Email: muzaffarotamatov@gmail.com

**РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕЛИГИОЗНЫХ  
КОНФЕССИЙ УЗБЕКИСТАНА И ТАДЖИКИСТАНА****АННОТАЦИЯ**

В данной статье частично освещена деятельность религиозных конфессий в Узбекистане и Таджикистане, позиции руководства страны по вопросам религиозной толерантности, а также основы в законодательстве. Также проанализировано количество религиозных конфессий и их расположение на территории страны, что является основным признаком условий, созданных для свободы совести и вероисповедание граждан. Кроме того, изучены материалы, что, хотя для всех религий созданы равные условия, тенденция динамики религиозных структур такова, существует множество исламских конфессий, основанных на потребностях большой массы населения, и в будущем такая ситуация может усилиться.

**Ключевые слова:** конфессия, государство, религия, религиозная толерантность, ислам, вера, история, Узбекистан, Таджикистан.

**Otamatov Muzaffar Abdurashidovich**  
Head of the Department for the Organization  
of Scientific and Innovative Activities of the Chirchik  
Higher Tank Command and Engineering School  
Email: muzaffarotamatov@gmail.com

## RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF RELIGIOUS DENOMINATIONS IN UZBEKISTAN AND TAJIKISTAN

### ANNOTATION

In this article, the activities of religious denominations in Uzbekistan and Tadjikistan, the positions of the country's leadership on issues of religious tolerance, and the bases in legislation are partially covered. Also, the number of religious denominations and their location across the territory of the country, which is the main sign of the conditions created for citizen's freedom of conscience and religion, was analyzed. In addition, was studied, that although equal conditions have been created for all religions, the trend in the dynamics of religious structures is that there are many Islamic confessions based on the needs of are large population, and this situation may increase in the future.

**Key words:** confession, state, religion, religious tolerance, islam, faith, history, Uzbekistan, Tadjikistan.

**Кириш ва долзарблиги.** Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги кундаги диний бағрикенглик бўйича олиб бораётган сиёсати ҳамда диний конфессиялар манзараси ранг-баранглигини мамлакатда расман рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган диний конфессиялар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу боис, аввало, “конфессия” сўзига таъриф бериб ўтсак. “Конфессия” сўзи (лотинча “*konfessio*”) ўзбек тилига таржима қилинганда “этикод қилиш” [18], айрим луғатларда эса – тан олиш, эътироф этиш, диний ишонч, этикод; мазҳаб [5, 404] каби маъноларни беради. Умуман олганда, диний конфессия маълум бир жамоани муайян диний таълимот доирасида ўзига хос хусусиятларга мос ҳолда этикод қилишидир. Бир дин ичида пайдо бўлган бўлса-да, акидалар (қоидалар) борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради. Шулардан келиб чиқиб, соҳа мутахассисларининг қарашлари бўйича бугунги кунда дунёда юзлаб диний конфессиялар мавжуд.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Марказий Осиё минтақаси тарихи, хусусан Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида ислом динидан ташқари яна бир қатор диний конфессиялар фаолият юритган. Минтақада турли халқлар ва миллатлар истиқомат қилиб, қадим-қадимдан барча дин вакиллари бир-бирлари билан бағрикенглик ва ҳамжихатликликда яшаб келган. Шунингдек, ушбу ҳамжихатлик қонуний тарзда Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституциясининг 35-моддаси, Тожикистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида фуқароларнинг миллати, ирқи, динидан қатъий назар тенг ҳуқуқли, деб қафолатлаб қўйилган.

Ушбу тезиснинг яна бир исботи сифати Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади” [4, 295], деган фикрлари турли конфессия вакиллари тинчлик ва хотиржамликда этикод қилганликларидан далолат беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан халқаро аренада, хусусан 2017-йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган эди. Жумладан, 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессияси 51-йиғилишида

A/Res/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси [16] аъзо давлатлар томонидан яқдиллик билан қабул қилинди. Ушбу резолюциянинг амалий натижаси сифатида 2021-йил 5-июль куни Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирда Қонун [1] қабул қилиниб, унга масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фуқаролар сони икки баробар камайтирилиб 50 нафардан кам бўлмаган ҳолда этиб белгиланди. Диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электрон шаклда, инсон омилсиз амалга оширилиши жорий қилинди. Рўйхатдан ўтказувчи адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилиб, уларни кўриб чиқилиши муддати 3 ойдан 1 ойга туширилди [17]. Юқорида келтирилган тезислар ўрганилаётган мавзунинг қай даражада долзарб эканлигидан далолат беради.

**Методлар ва ўрганилганлик даражаси.** Илмий мақолада тарихийлик, дискурсив таҳлил, қиёсий ва ретроспектив таҳлил методларидан фойдаланилган. Шунингдек, мавзу бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимлар томонидан илгари сурилган фикр ва ғоялар ва ижтимоий тармоқлардаги статистик маълумотлар ўрганилди.

**Тадқиқот натижалари.** Маълумки, Ўзбекистон ташаббуси билан Халқаро миқёсда диний бағрикенглик тамойилининг жорий қилинишига яна бир мисол сифатида 2023 йилнинг 16-20 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилган “Декларациялар мулоқоти” халқаро форумини таъкидлаш мумкин. Ушбу тадбирда Европа, Осиё, Яқин Шарқ, Африка ва АҚШдан таниқли диний уламолар, илоҳиётчилар, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда Ўзбекистон томонидан турли конфессия вакиллари, илоҳиётчилар, диний уламолар, тегишли вазирлик ва идораларнинг мутахассислари иштирок этиб, яқунда Марокаш (2016) [6], Жакарта (2017) [7], Потомаке (2018) [8], Пунто-дель-Эсте (2018) [9] ва Макка (2019) [10] декларацияларининг мантикий давоми сифатида эътироф этилган “Бухоро декларацияси” (2023) [8] қабул қилинди [17].

Ўз ўрнида, Ўзбекистон билан бир пайтда мустақилликка эришган Тожикистон Республикасининг диний бағрикенглик бўйича олиб борган ва олиб бораётган сиёсати ҳам Ўзбекистон сингари очик ва тенгликда эканлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, мамлакат Президенти И.Рахмон Ийд рамазон байрами табригида “...диний бирлик ва бағрикенглик айнан ислом динининг мазмуни ва асоси ҳисобланади” [11] деб таъкидлаб ўтган. Шунингдек, “Тожикистоннинг давлатчилик тўғрисидаги Қонунда белгиланганидек дунёвий давлат тузиш Тожикистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади” [12,15] деб таъкидлаган. Яъни, мамлакатнинг асосий аҳолиси ислом динига эътиқод қилса-да, қонуний жиҳатдан ўз ривожланиш йўлини дунёвий давлат шаклида танлаган республика сифатида ўз сиёсатини олиб боради.

“...Биз ҳақиқатдан ҳам тожик жамиятида динни давлатдан алоҳида бўлишлигини эълон қилдик. Бироқ, бу бизнинг муқаддас Ислом динимизни обрўсизлантириш дегани эмас. Ахир биз Ислом анъаналари билан тарбия олганмиз ва Ислом, дин сифатида бизнинг анъанавий маданиятимиз ҳам ҳисобланади. Динни давлатдан ажратилганлигининг сабаби шуки, дин, диний арбоблар (фаоллар) давлат сиёсатига аралашмаслик керак, ўз навбатида давлат ҳам диний ишларга аралашмаслик керак” [12, 50], деб таъкидлайди И.Рахмон. Бу билан, давлат ўзининг дунёвий давлат сиёсати шаклида ривожланишда давом этади ва ўз навбатида тўғри диний эътиқод учун чекловларнинг бўлмаслиги ва турли конфессияга мансубларни ҳам манфаатларига тўққинлик ёки аралаштиришлар бўлмаслигига эътибор қаратади.

Ўз навбатида Тожикистоннинг географик жойлашуви ҳам диний бағрикенглик сиёсатини шакллантиришда ўзига хос омил эканлиги давлат раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилади. Жумладан, “...Тожикистон – бу катта дунёнинг икки чегарасидир, бири дунёвий давлатлардан иборат (шимолга ва шимолий-шарққа), бошқа томондан диний давлатлар жамиятидан иборат (жанубга ва жанубий-ғарбга). Ушбу шароитда Тожикистон ва унинг турли қисмларида дунёвий характердаги демократик давлатни таъминлаш учун балансни сақлаб туриш жуда ҳам муҳим ҳисобланади” [13, 55] Ушбу табиий-географик ҳолатни ўзига хослигида мамлакат президенти чегарадош давлатлардаги диний-сиёсий вазият,

ва умумий қилиб дин омилнинг мамлакатга бўладиган катта таъсирларини назарда тутганлигини тушуниш мумкин.

Икки давлат раҳбарларининг ушбу фикрлари ва унга берилган шарҳлар мазмуни шундан дарак беради-ки, дунё давлатларининг барчасида ўзининг ривожланиш йўли билан биргаликда эътиқод қиладиган дини ҳам мавжуддир. Бу икки, бир қарашда алоҳида бўлган йўналишлар аслида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўз мамлакатини ривожлантиришда асосий омил бўлган инсон қалбини бошқарувчи катта кучга эгадир. Қолаверса, ислом динининг инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланишида уларни турли маънавий бузғунчи ва вайронкор ғоялардан асраб туради.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда фуқароларнинг виждон ва диний эркинлиги соҳасидаги Конституцион ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик ғояларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Давлат раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”[3] нинг бешинчи йўналиши айнан диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласига бағишланган”. Унинг мантиқий давоми сифатида 2022 йил 28 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури тўғриси”даги ПФ-60-сонли Фармони [2] қабул қилиниб мамлакатнинг ривожланиши учун муҳим бўлган соҳалардан бири сифатида эътироф этилган.

Стратегик қарашлар ва уни амалга ошириш учун мамлакатлар томонидан қабул қилинган қонуний асосларнинг амалдаги ифодаси сифатида Ўзбекистон ва Тожикистон республикалари ҳудудларида ўн бешдан ортиқ конфессияга мансуб диний ташкилот, шу жумладан, мусулмонлар идораси, олий диний таълим масканлари, мадрасалар, икки мингдан ошиқ масжидлар, Рус Православ черкови епархияси, Православ семинарияси, Рим-католик маркази, Евангель христиан-баптистлар черковлари уюшмаси, Тўлиқ инжил христианлар черковлари маркази, Протестант семинарияси, Библия жамияти, христиан черковлари, яҳудий ва баҳойий жамоаси, Кришна жамияти ва Будда ибодатхоналари фаолият юритаётганлигини кузатишимиз мумкин. Умумий ҳисобда иккала давлатда ҳам 130 дан зиёд миллатга мансуб аҳолининг 95 % га яқини ислом, 3-3,5 % га яқини православ динига мансуб, қолганларини бошқа конфессия вакиллари ташкил этади. [22, 9]

Шу ўринда, Ўзбекистон ва Тожикистонда фаолият олиб бораётган диний конфессиялар кўрсаткичларининг ретроспектив ва қиёсий таҳлили бағрикенглик ва очиқлик сиёсати туфайли мамлакатда диний тузилмалар пайдо бўлиш динамикасидаги ўсишни кўрсатмоқда (жадвалга қаранг).

**Ўзбекистон [23] ва Тожикистон [14] республикаларидаги диний конфессиялар (ташкilotлар) кўрсаткичларининг қиёсий жадвали**

Диний йўналишларнинг номланиши	Жами	Марказлар	Диний ташкilotлар	Ўқув юртлари	Монастирлар	Манзили
Конфессиялар сони	16/17					
	16/18					
Ислом	2063/ 2144	15/15	2037 / 2116	10 / 13		Тошкент ш., Қорақалпоғистон, барча вилоятлар
	3755/ 4000			+/+		
Рус православ черкови	39	1	34	1	3	Тошкент ш., Қорақалпоғистон, барча вилоятлар
	4/4					

Рим-католик черкови	5	1	4			Тошкент ш., Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари
	3/2				1	
Тўлиқ Евангелъ христианлари черкови	64	1	62	1		Тошкент ш., Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари
	15/15					
Евангелъ христиан-баптистлар черкови	24	1	23			Тошкент ш., Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари
	12/5					
Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	10		10			Тошкент ш., Бухоро, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари
	4/4					
Новоапостол черкови	4		4			Тошкент ш., Навоий, Самарқанд вилоятлари
	3/3					
Евангелъ лютеранлар черкови	2		2			Тошкент ш., Фарғона вилоятлари
	0/+					
“Голос Божий” христиан черкови	1		1			Навоий вилояти
	-/-					
“Иегово гувоҳлари” черкови	1		1			Тошкент вилояти
	1/+					
Корейс протестант черковлари	26		26			Тошкент ш., Жиззах, Навоий, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Сухондарё, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятл.
	-/2					
Арман апостоллик черкови	2		2			Тошкент ш., Самарқанд вил.
	-/-					
Яҳудий диний жамоалари	8		8			Тошкент ш., Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари
	-/1					
Баҳойий диний жамоалари	7		7			Тошкент ш., Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд Тошкент вилоятлари
	6/6					
Кришнани англаш жамияти	1		1			Тошкент ш.
	-/1					
Будда ибодатхонаси	1		1			Тошкент ш.
	-/1					
Ўзбекистон Библия жамияти	1	1				Тошкент ш.
Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Қорақалпоғистон мусулмонлари	+					Жойларда

қозияти, ЎМИ вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги вакилликлари						
<b>Ўзбекистон Республикаси бўйича</b>	2223 / 2340	20	2302	15	3	
<b>Тожикистон Республикаси бўйича</b>	-/4000					

Изоҳ: жадвал катакларининг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг 2014 ва 2022 йилларга, иккинчи ярмида Тожикистон Республикасининг 2011 ва 2022 йилларга тегишли бўлган маълумотлар келтирилган. Шунингдек, Тожикистондаги диний конфессиялар асосан Душанбе шаҳрида жойлашган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва Тожикистондаги диний конфессиялар сони ва уларни йиллар бўйича ўсиш динамикаси ҳам яққол устунлик ислом динига тегишли эканлигини кўрсатмоқда. Жадвалда кўрсатилган даврлар орасидаги тафовут бўйича ислом динига тегишли бўлган тузилмалар бошқа динларга нисбатан бирмунча, яъни юздан ортиқ сонга кўпайган. Бу ҳолатни иккала давлатда ҳам мамлакат аҳолисининг асосий қисми мусулмонлар эканлиги ва уларни диний эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳукумат томонидан қилинган объектив ёндошувлардан деб ҳисобласак бўлади. Икки давлат кўрсаткичларини аҳоли сонига нисбатан олганда Тожикистондаги диний тузилмалар Ўзбекистондагига нисбатан деярли икки баробар кўп эканлиги кўринмоқда. Агар буни диний эҳтиёжнинг юқори эканлиги деб ҳисобласак, унда мамлакатдаги диний таълим олишга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши талаб даражасида эмас, деган фикр пайдо бўлади ёки диний тузилмалар сони ҳаддан зиёд кўп эканлигидан далолат беради.

Хусусан, бир қатор маълумотлар таҳлили бўйича такидлаш мумкинки, Тожикистондаги диний таълим олиш учун мўлжалланган муассасалар (асосан давлат рўйхатидан ўтмасдан мустақил равишда очилган мадрасалар) фаолиятида мамлакат хавфсизлигига тегишли бўлган айрим муаммолар кузатилганлиги учун ушбу ўқув жойлари фаолиятига чек қўйиш [15, 51-94] ҳолатлари кузатилган.

Ўзбекистондаги диний таълим муассасалари ўнтадан ўн учтага кўпайган бўлса-да, мамлакатда диний таълимга бўлган эҳтиёж юқори эканлигини кўриш мумкин. Бунинг исботи сифатида диний таълим олиш учун чет давлатлар, асосан Миср давлатига бораётганлар [19] ни мисол қилсак бўлади. Ушбу ҳолат Тожикистонда ҳам кузатилади [15, 66].

Ноисломий конфессиялар фаолиятига тўхталар эканмиз, табиий ҳолда Ўзбекистондаги ташкилотлар Тожикистондагига нисбатан кўп бўлса-да, аҳоли демографияси ва унинг турли-туманлигидан келиб чиқиб айтганда бу нормал ҳолат эканлигини кўрсатади.

Иккала давлатда ҳам йигирмага яқин конфессиялар бўлиб, уларнинг ичида (ислом динидан ташқари) энг кўп диний ташкилот рейтингини “Тўлиқ Евангелъ христианлари” черкови вакиллари эгаллаган бўлиб, улар мамлакатнинг деярли барча вилоятларида мавжуддир. Иккинчи ўринда – “Рус православ” черкови, учинчи – “Корейс протестант” черковлари, тўртинчи – “Евангелъ христиан-баптистлар” черкови ва бешинчи ўринда – “Еттинчи кун христиан-адвентистлар” черкови вакиллари ҳисобланади.

Энг кам ташкилотлар қаторига “Голос Божий” христиан черкови, “Иегово шоҳидлари” черкови, “Қришнани англаш” жамияти, “Будда” ибодатхонаси вакиллари киради.

Ушбу ташкилотларнинг мамлакатлар ҳудуди бўйлаб жойлашганлиги ўрганилганда, уларни асосан давлатлар пойтахтига жойлашганлиги маълум бўлди.

Жумладан, ислом динига тегишли бўлган ташкилотлар иккала давлатнинг барча ҳудудларида мавжуд. Ноисломий ташкилотлар жойлашувида, Ўзбекистонда асосан руслар ва бошқа миллатга мансуб аҳолининг вилоятлар кесимидаги ўрнига мос келмоқда [20]. Масалан, Тошкент шаҳри ва вилоятида бошқа вилоятларга нисбатан барча миллат вакиллари (асосан руслар) яшайди ва шундан келиб чиқиб бу ерда барча ноисломий ташкилотлар

жойлашганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Самарқанда - 9 та, Фарғона ва Навоийда – 8 тадан, Бухорода – 7 та, Жиззахда – 5 та, Сирдарё ва Хоразмда – 4 тадан, Наманганда – 3 та, ва Андижон, Сурхондарё, Қашқадарёда – 2 тадан тузилмалар мавжуд. Энг кам ташкилот Қорақалпоғистон ҳудудига тўғри келиб, у ерда фақат Рус православлар черкови жойлашган. Демак ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ноисломий динга бўлган эҳтиёжни вилоятлар кесимидаги даражасини кўриш мумкин.

Диний таълим муассасалари асосан мамлакатнинг катта ва тарихий шаҳарларига жойлашган (Тошкент, Самарқанд, Бухоро), Тожикистон муассасалари асосан Душанбе шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистонда охириги йилларда Ислом дини билан биргаликда ўз фаолиятини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган қуйидаги ноисломий ташкилотларни ҳам кузатиш мумкин. Улар 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида қуйидаги ноисломий конфессияларга мансуб диний ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилди [21]:

6-июлда Тошкент шаҳар “Агапе” тўлиқ инжил христианлари черкови;

20-июлда Фарғона шаҳар “Новоапостол” черкови;

7-августда Самарқанд шаҳар “Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови”;

10-августда Нукус шаҳар “Надежда” тўлиқ инжил христианлари черкови;

12-августда Олмалиқ шаҳар “Соль земли” Евангел-христиан черкови.

**Хулоса.** Ўрганилган маълумотлар ва уларда илгари сурилган ғоялар таҳлилий яқуни ушбу икки давлатдаги диний конфессиялар фаолиятидаги жадаллашувни ҳамда жамиятдаги муҳитнинг қай даражада эканлигидан далолат бермоқда. Жумладан,:

Биринчидан, иккала мамлакатда ҳам диний бағрикенгликни очик ва эркинлиги қонуний мустақамлиги билан биргаликда давлат раҳбарлари томонидан доимий равишда қўллаб келинмоқда. Ислом динининг негизида айнан инсонпарварлик, ростгўйлик, дўстлик каби бир қатор ижобий ришталар мавжудлиги бўйича Ўзбекистон таклифлари халқаро аренада тўғри қабул қилиниб, айнан бугунги таҳликали замонда инсониятни қутқариш учун яхши механизмлардан эканлиги илгар сурилмоқда.

Иккинчидан, диний эътиқоднинг тарихий кўриниши иккала давлатда ҳам деярли бир хил (кучли секуляр) эканлиги одамларлар томонидан конфессиялар, асосан ислом динига оид ташкилотлар фаолиятига хайрихоҳлик муносабатлари кескин юқорилаб боришига асосий сабаб бўлмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон ва Тожикистонда фаолият олиб бораётган диний конфессиялар кўрсаткичларининг ретроспектив ва қиёсий таҳлили бағрикенглик ва очиклик сиёсати туфайли мамлакатда диний тузилмалар фаолияти динамикасидаги ўсишни кўрсатмоқда.

Тўртинчидан, диний конфессиялар сонининг ортиб боришида, бошқа динлар фаолиятига ҳам тўла эркинлик шароитларини яратилган ҳолда, аҳолининг мустақил диний эътиқодидан келиб чиқиб, ислом динига тегишли бўлган тузилмаларнинг сон жиҳатдан кўплиги яққол намоён бўлмоқда. Бу суръатни иккала давлатда ҳам кузатиш мумкин.

Бешинчидан, турли конфессияларнинг ҳудудлардаги жойлашуви бўйича айтиш мумкинки, ислом динига тегишли бўлган ташкилотлар иккала давлатнинг барча ҳудудларида мавжуд. Ноисломий ташкилотлар жойлашувида, асосан руслар ва бошқа миллатга мансуб аҳолининг вилоятлар кесимида истиқомат қилиш жойларига мос келмоқда.

Олтинчидан, жамиятда ислом динига бўлган эътиқод қанчалик юқорилашгани сари диний таълимга бўлган эҳтиёж табиий равишда ошиши, ва бунда иккала мамлакат учун хос бўлган муаммолар юзага келиши сақланиб қолмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирда Қонун., LexUZ on-line., //http.:lex.uz.docs/5491534

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси дастури тўғриси”даги ПФ-60-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз./Миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳаётбахш манбаи./ 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 295.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, иккинчи жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти., Тошкент – 2020., - 404 б.
6. В Марокко принята декларация по защите прав религиозных меньшинств., EDnews//[https.: ednews.net/ru/news](https://ednews.net/ru/news)
7. Бухарская декларация в фокусе внимания СМИ Индонезии. DUNYO информационное агенство., //https.: dunyo.info/ru/site/
8. БУХАРСКАЯ ДЕКЛАРАЦИЯ., Институт стратегических и межрегиональных исследований при Президента Республики Узбекистан., //https.: isrs.uz/ru/yangiliklar
9. Декларация о человеческом достоинстве для каждого во всем мире Пунта-дель-Эсте, декабрь 2018., <https://www.dignitiforeveryone.org>
10. Декларация 14 саммита ОИС в Мекке, 2019., Исламская мысль (Исламское право)., //https.:vorldislamlav.ru
11. Рахмон поздравил мусульман с праздником Иди Курбон. 2020., <https://sputniknews.ru>
12. Рахмон Э. Дар бораи дин.- Душанбе: «Шарки озода», 2006.- С. 50
13. Махмадов А.Н., Хоперская Л.Л. Современный Таджикистан: диалектика независимости и интерации. – Душанбе, 2016. – С.55.
14. Statement of Mavlon Mukhtorov, Deputy Head of the State Committee on Religious Affairs, Government of Tajikistan. Свобода мысли, совести, религии и убеждений в РТ. Образование и религия: современное состояние и перспективы., 2011., - Б.7.; Религия в Таджикистане. - <https://ru.wikipedia.org/wiki>. (мурожаат санаси – 16.06.2023). Немусульмане в Таджикистане временно воздержатся от посещения храмов. - <https://fergana.agency/news>. (мурожаат санаси – 16.06.2023).; Ольга Сақун – Град Ватикан., “В Таджикистане основан первый затворнический монастырь”., ВАТИКАН NEWS//<https://vatikannews.va/ru>
15. Назиров Н. Проблемы политического ислама и конфликты в государствах Центральной Азии: диссертация на соискание ученой степени кандидата политических наук.- Душанбе: Центр стратегических исследований при Президенте Республики Таджикистан, 2017. – С. 51-94
16. Муҳаммадсодиқ Р. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими., БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг моҳияти ва ахамияти. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРАВДА ВОСТОКА., //https.: yuz.uz/ news/ bmtning
17. Жўраев У. Имом мотурудий халқаро илмий-тадқиқот маркази. Ўзбекистон диний бағрикенглик юрти., //http.:Moturidiy.uz/uz/news
18. Фазила М. Диний конфессия деганда нимани тушуниш керак-? <https://hazratnavoi.uz/maqol>
19. Ёшлар тарбиясига оид муҳим вазифалар муҳокама қилинди. <https://senat.uz/oz/post/post-762>
20. Пантюшев И.В., Федорко В.Н. Динамика и география русского населения Узбекистана, Казахстана и Кыргызстана. Всероссийское общественная организация РУССКОЕ ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО., //https.:rgo.ru/ru/penzenskoe
21. Мелиқўзиев.Ж, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ноисломий диний ташкилотлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари., Тошкент ислом институти.
22. Ўзбекистон этноконфессионал атласи. Муаллифлар гуруҳи. Т.: “Картография”, 2011 йил. – 9 б.

23. Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг рўйхатга олиниши ҳақида  
МАЪЛУМОТНОМА., <https://religions.uz>

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000